O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №



# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2010 йил 15 июнь, № 118 (5033) Сешанба

Жиззах вилояти:

## ЗАМОНАВИЙ, ҚУЛАЙ ВА ШИНАМ

### уй-жойлар қишлоқларимизнинг кўркамлашиши ва халқ турмушининг янада фаровон бўлишига хизмат қилаётир



СУРАТДА: Бахмал туманидаги Оқтош қишлоғида барпо этилган тураржойлар қурувчилари Д. Избосаров, Э. Аҳмедов ва Х. Маматов.

***Бугунги кунга келиб, мамлакатимизда изчил амалга оширилаётганислоҳотлар туфайли шаҳару қишлоқларимиз улкан қурилиш майдонига айланиб, аҳолининг турмуш даражаси тобора юксалиб бораётир.***

**Бунёдкорлик**

Президентимизнинг 2009 йил 3 августдаги "Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори бу борада муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилаяпти. Яъни ушбу қарор ижроси юзасидан олиб борилаётган ишлар натижасида юртимизнинг турли ҳудудларида намунавий лойиҳалар асосида, аҳолининг талаби ва дидига мос келадиган кўркам уй-жойлар қад ростламоқда. Хусусан, ўтган давр мобайнида Жиззах вилоятининг Жиззах, Ғаллаорол ва Бахмал туманларидаги Учтепа, Сарбозор ҳамда Оқтош қишлоқларида ана шундай уйлардан иборат, ҳар бири 20 хонадонга мўлжалланган 3 та янги мавзе бунёд этилди.

— Мазкур уйлар аҳоли диди ва талабига мос келиши учун нуфузли ишчи гуруҳи камчиликларни ўрганиб чиқиб, уни бартараф этиш чоралари кўрилди, — дейди "Қишлоқ қурилиш инвест" ихтисослаштирилган шўъба инжиниринг компанияси вилоят филиали директори Ойбек Эркаев. — Айни пайтда Учтепа ва Сарбозор даҳаларидаги уйларга аҳоли кўчиб кирмоқда, Оқтошда эса сўнгги пардозлаш ишлари олиб борилаяпти. Бу жойларда ижтимоий ва бозор инфратузилмасини ривожлантириш, аҳолига барча қулайликларни яратиш мақсадида ҳар бир қўрғонда намунавий лойиҳалар бўйича маиший, савдо, умумий овқатланиш, консалтинг хизмати

(Давоми 2-бетда).

## МАМЛАКАТ БЎЙЛАБ

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

### Маҳсулотнинг асосий қисми – экспортга

**БУХОРО. Замонавий хориж технологияси билан жиҳозланган "Вобкенттекс — йигирувчи" унитар корхонасида сифатга катта эътибор қаратилаётганлиги боис бу ерда тайёрланаётган маҳсулотлар нафақат ички бозорда, балки хорижда ҳам тобора харидоргир бўлиб бормоқда.**

Хусусан, корхона жамоаси жорий йилнинг ўтган беш ойи давомида хорижлик мижозларга 400 минг АҚШ долларилик калава ип етказиб берди. Юзга яқин киши меҳнат қилаётган "Вобкенттекс — йигирувчи"да ҳар ойда ўртача 120 тоннагача калава ип тайёрланмоқда.

**И. ИБРОҲИМОВ,**
***«Халқ сўзи» мухбири.***

### Нон – янги ускуналарда

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ. "Тахиатош-дон" акциядорлик жамияти банкдан олинган 198 миллион сўмлик кредит эвазига хориждан нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган замонавий технология харид қилди.**

Айни пайтда корхонада бир кеча-кундузда 3 минг донагача нон ва нон маҳсулотлари тайёрланиб, аҳоли дастурхонига тортиқ қилинмоқда.

Эътиборлиси, жамият фаолияти кенгайиши ҳисобига қўшимча 16 та янги иш ўрни яратилди.

**Ҳ. АҲМЕДОВ,**
***«Халқ сўзи» мухбири.***

### Қайқида замонавий корхона

***НАМАНГАН. Учқўрғон туманидаги Қайқи қишлоғида "Идрис чокининг боқийлиги" хусусий корхонаси иш бошлади.***

Маҳаллий тадбиркорлар томонидан киритилган 52 миллион сўмлик сармоя ҳисобига бу ерга хориждан тикув дастгоҳлари олиб келиб ўрнатилди. Натижада 10 киши меҳнат қилаётган кичик корхонада йилига 15 мингтагача эркаклар кўйлаги тикиш имконияти юзага келди.

Айтиш лозимки, туманда шу йилнинг ўтган беш ойи давомида мулкчиликнинг барча шаклидаги корхоналар томонидан 27,1 миллиард сўмлик халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилди.

**Қ. НАЖМИДДИНОВ,**
***«Халқ сўзи» мухбири.***

### Табиат ва инсон саломатлиги

***ГУЛИСТОН шаҳрида Ўзбекистон экологик ҳаракати вилоят ҳудудий бўлинмаси ҳамда «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармасининг вилоят бўлими ташаббуси билан «Атроф-муҳит — соғлом она ва соғлом оила» мавзуида семинар ўтказилди.***

Кейинги йилларда минтақамизнинг кўплаб жойларида тупроқ, сув ва ҳавонинг зарарли моддалар билан ифлосланиши, экологик ҳолатнинг ёмонлашуви атроф-муҳитни асраш, табиат неъматларидан оқилона фойдаланишни тақозо этмоқда.

(Давоми 2-бетда).

***Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан ҳаётга татбиқ этилаётган Инқирозга қарши чоралар дастурида мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар сифатини яхшилаш ҳисобидан ички ва ташқи бозорда уларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш, меҳнат самарадорлигини ошириш муҳим вазифалар сифатида белгиланган.***

## «ТЕЖАМКОР ИШЛАБ ЧИҚАРИШ» ТИЗИМИ ЖОРИЙ ЭТИЛМОҚДА

**Фармон ва ижро**

Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 28 ноябрда қабул қилинган "Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида"ги Фармони ушбу мақсадларга эришишда муҳим омил бўлиб хизмат қилаётир.

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси Германиянинг "Марказий Осиёда минтақавий иқтисодий ҳамкорликка кўмаклашиш" техник ҳамкорлик дастури ва БМТ Ривожланиш дастурининг "Ўзбекистон бизнес форуми" лойиҳаси билан ҳамкорликда ишлаб чиқаришни бошқариш "Кайдзен" ("Тежамкор ишлаб чиқариш") тизими бўйича бизнес-маслаҳатчилар тайёрлашга киришди.

"Deutsche Kabel AG Tashkent" очиқ акциядорлик жамияти корхонаси базасида тренингнинг якунловчи босқичи бўлиб ўтди ва унда тизимни жорий этиш якунлари кўриб чиқилди.

Таъкидлаш керакки, Ўзбекистон тадбиркорларини ишлаб чиқаришни бошқариш "Кайдзен" тизимининг замонавий услублари билан таништириш дастури 2009 йилнинг октябридан амалга оширила бошланган. Бу давр ичида ташкил этилган иккита семинарда 50 та саноат ишлаб чиқариш корхонасидан 80 дан ортиқ мутахассис иштирок этди, 6 та корхонада эса тежамкор ишлаб чиқариш принциплари синов тариқасида жорий этилди.

Савдо-саноат палатаси раиси Алишер Шайхов дастур вақт, пул маблағлари ва материаллар сарфини қисқартириш ҳисобидан маҳсулот таннархини камайтириш, шунингдек, товарлар ва хизматларнинг сифатини ошириш, маҳсулотни яратиш ва ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш каби аниқ мақсадларга йўналтирилганини таъкидлади. "Deutsche Kabel AG Tashkent" очиқ акциядорлик жамияти 2006 йил 22 июнда қабул қилинган Маҳаллийлаштириш дастурини бажариш бўйича етакчи корхоналардан бири ҳисобланади. Унинг негизида бизнес-маслаҳатчиларни тайёрлаш бўйича дастлабки икки ҳафталик сессия ташкил этилди.

(Давоми 2-бетда).

## КЕЛАЖАККА ДАХЛДОРЛИК ҲИССИ

### ёшларни янгича ғайрат, интилиш билан яшаш ва меҳнат қилишга ундаяпти

***Юртбошимизнинг қарори билан амалга оширилаётган "Баркамол авлод йили" Давлат дастури, шубҳасиз, ёшларнинг истеъдоди, яратувчилик маҳоратини намоён этиш билан бирга, уларни янги ғоялар, ҳаётбахш ўзгаришлар, мислсиз изланишларга даъват этаяпти.***

**2010 йил — Баркамол авлод йили**

Бу бунёдкорлик интилиши давлат томонидан маблағ билан таъминланиши эса ёшларнинг ғайратига ғайрат, кучига куч қўшаяпти. Фақат Фарғона вилоятининг ўзида дастур доирасида барча йўналишлар бўйича 260 миллиард сўмга яқин маблағ ўзлаштирилиши кўзда тутилган. Шу йилнинг биринчи чорагида амалга оширилган ишлар дастурда белгиланган режаларнинг реал манбаларга асосланганлигини кўрсатиб турибди.

Айни пайтгача Фарғона вилояти бўйича дастур доирасида 117 миллиард сўм атрофида маблағ ўзлаштирилиб, ёшларнинг ижоди, истеъдодини намойиш қилиш учун бир қатор ишлар амалга оширилди.

Маълумки, дастур бўйича оналар ва болаларнинг репродуктив саломатлигини муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш, профилактикага асосланган соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш, тиббий хизмат моддий-техника базасини мустаҳкамлаш асосида соғлом авлодни вояга етказиш борасидаги чора-тадбирларни янада кучайтиришга алоҳида эътибор бериш кўзда тутилган.

Шу нуқтаи назардан, вилоятда 14 ёшгача бўлган 442 минг нафардан зиёд қиз тиббий кўрикдан ўтказилди. Турли даражада касалликлар аниқланган 40 мингдан зиёд бўлажак оналар даволаниб, соғломлаштирилди. Бунинг учун сарф этилиши кўзда тутилган 150 миллион сўм маблағнинг ярми мақсадли ўзлаштирилди. Тадбир доирасида вилоятдаги қон қуйиш марказини қайта қуриш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, вилоятлараро ОИТСга қарши кураш марказини барпо этиш ҳам қизғин давом этаяпти.

Тадбирда кўзда тутилган муҳим ишлардан яна бири таълим муассасаларининг моддий-техник базасини шакллантириш, улардан самарали фойдаланишни таъминлаш, давлат таълим стандартлари, ўқув дастурлари ва услубий адабиётларни етказиб бериш ҳисобланади. Шу мақсадда Риштон, Бувайда, Қува, Бешариқ туманларида янгидан касб-ҳунар коллежлари қуриляпти. Яна 6 та коллежда жами 650 ўринли ётоқхоналар бунёд этиляпти. Худди шундай маиший объектларни Фарғона, Қўқон ва Марғилон шаҳарларидаги академик лицейлар қошида ҳам барпо этиш кўзда тутилган.

(Давоми 2-бетда).

**Технологик янгилаш ишлари кенгайтирилмоқда**

Бир рақам шарҳи

*Жорий йилда мамлакатимизда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашга доир*

**418**

**та лойиҳа амалга оширилади.**

*Бу ички бозорни импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар билан тўлдириш, ишлаб чиқариш корхоналарининг экспорт салоҳиятини ошириш, пировардида республика иқтисодиётини мустаҳкамлашга хизмат қилади.*

## ҚАБИҲ КУЧЛАР НИЯТИГА ЕТОЛМАЙДИ

***Сўнгги кунларда ён қўшнимиз Қирғизистон жанубидаги Ўш ва Жалолобод шаҳарларида содир бўлаётган воқеалар барчамизни жиддий ташвишлантирмоқда. Бу ерда босқинчи тўдалар томонидан тинч аҳоли вакилларига, хусусан, ўзбек миллатига мансуб кишиларга нисбатан қилинаётган қотиллик, зўравонлик, қирғин, ўт қўйиш ва талон-торож ҳолатлари, таъбир жоиз бўлса, инсонийликка мутлақо тўғри келмайдиган муносабатлар ҳар қандай кишининг ғазабини қўзғайди.***

Ушбу мураккаб вазиятни юзага келтираётганларнинг асл мақсади нимага қаратилгани Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг куни кеча эълон қилинган Баёнотида айтиб ўтилди. Яъни "Уюштирилаётган, бошқарилаётган ва иғвогарлик характерига эга бундай хатти-ҳаракатлар миллатлар ўртасида низо қўзғатиш, Қирғизистон жанубида яшаётган камсонли миллатлар вакиллари учун чидаб бўлмайдиган шароитни вужудга келтириш ниятида узоқни кўзлаб содир этилмоқда, деб хулоса чиқариш учун барча асослар бор".

Маълумки, ўзбек ва қирғиз халқлари минг йиллар давомида яқин қўшни, қондош-жондош бўлиб яшаб келган, бир-бирига дўстона муносабатда бўлган ва бу эзгу ришталар яна минг йиллар давомида сақланиб қолади. Шунинг учун ҳам қирғизларнинг уйига кирган мусибатни биз, аввало, яқин қўшни бўлмиш ўзбек оиласига кирган дард сифатида қабул қиламиз. Бугунгидай мураккаб вазиятни келтириб чиқариш эса икки қардош халқнинг тинч-осойишта ҳаётини кўролмайдиган бузғунчи кайфиятдаги кучларнинг қабиҳ ишларидир. Ўшда, Жалолободда қанча қон тўкилса, бу, аввало, қирғиз ва ўзбек халқи душманларининг тегирмонига сув қуядиган, ҳеч чидаб бўлмайдиган воқеа бўлади. Шу боис фисқу фасодни бошлаган қора ниятли кучларнинг алдовига учмаслик керак. Четдан туриб бизларни гижгижлаётган, касби шундай қабиҳлик бўлган одамларга зарба бериш — бу мардларнинг иши.

Шуни яна бир карра алоҳида таъкидлашни истардик, биз, маҳаллий халқлар бир-биримизга елкадош бўлиб, ҳамдард бўлиб, бир бурда нонни бирга баҳам кўриб яшаганмиз ва буни ҳеч ким ўзгартира олмайди. Орамиздаги неча минг йиллик дўстона муносабатни бузишга уринаётган кучларга қарши бизнинг йўлимиз, ҳаракатимиз қўпорувчиларнинг гапига кирмаслик, оғир-вазмин, сабр-бардошли бўлиш, оқибатини ўйлаб иш кўришдир.

Халқимизда "Қўшнинг тинч — сен тинч" деган мақол бор. Биз Қирғизистондаги вазият барқарорлашиши, мамлакатнинг кўп миллатли аҳолиси тинч-осойишта ва фаровон ҳаёт кечириши тарафдоримиз.

**Юсуф СОТИБОЛДИЕВ,**
***меҳнат фахрийси.***
Андижон вилояти

# ЖАҲОН 24 соат ичида

## Сайёҳлик тизими жонланмоқда

***Франциянинг дунёга машҳур “Club Med” сайёҳлик фирмаси жорий йилнинг шу пайтига келиб 3 миллион евро миқдорида фойда кўрди.***

Бундан ташқари, ёзги мавсумга буюртмалар сони ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан анча ошган. Компаниянинг биржаларидаги акциялар қиймати ҳам тўққиз фоизга кўтарилган.

Бу ижобий кўрсаткичлар дунёда сайёҳлик тизими яна жонлана бошлади, деган фикрни туғдирмоқда.

## Сув балосидан асрасин

***АҚШнинг Арканзас штатида юз берган сув тошқини катта талафотларга сабаб бўлди.***



Тинимсиз ёққан жала туфайли ҳудуддаги Каддо ва Литл-Миссури дарёларида сув сатҳи кескин кўтарилган. Баъзи жойларда тошқин баландлиги ҳатто 2,4 метргача етган. Табиий офат 20 кишининг умрига зомин бўлган, ўнлаб одамлар эса бедарак йўқолган. Икки юзга яқин киши тан жароҳати олган. Тошқин маъмурий ва тураржой биноларига ҳам зарар етказди. Штатда транспорт ҳаракати тўхтаб қолди.

## Боғдаги хунрезлик

***Кениядаги истироҳат боғларидан бирида портлаш содир бўлди.***

Бу ҳақда “Би-Би-Си” ахборот агентлиги хабар тарқатди. Хунрезлик мамлакатнинг бир гуруҳ сиёсий арбоблари тўпланган вақтда амалга оширилган. Беш киши ҳалок бўлган, саксондан ортиқ одам тан жароҳати олган.

## Иш вақтида томоша

***Шу кунларда Жанубий Африка Республикасида бўлиб ўтаётган футбол бўйича навбатдаги жаҳон чемпионатига қизиқиш жуда катта.***



Буни инобатга олган баъзи компаниялар ўз ходимларига футбол кўриш учун имконият яратиб бермоқда. Хусусан, автомобиллар ва улар учун эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқарувчи “GM South Africa” компанияси ўтган жума куни ЖАР ва Мексика терма жамоалари ўртасидаги учрашувга мухлислик қилмоқчи бўлган ходимларига иш вақти тугашидан тўрт соат олдин жавоб берган. Ва ушбу ҳордиқ уларнинг ойлик маошларига таъсир этмаслиги айтилган.

## Банкни тунамоқчи бўлишди

***Эрон Марказий банкига ҳужум уюштирилди.***

Маҳаллий оммавий ахборот воситалари хабарларига кўра, ҳарбийлар кийимидаги бир гуруҳ қуролланган кимсалар молия муассасасига бостириб кирган. Кейин хавфсизлик хизмати ходимлари ва жиноятчилар ўртасида отишма бошланган. Қарийб уч соат давом этган тўқнашув чоғида ўттизга яқин одам ҳалок бўлган. Бундан ташқари, банк биносида бир нечта портлаш амалга оширилган.

Эрон ҳуқуқ-тартибот идоралари хунрезликни “Ал-Қоида” гуруҳи ўз зиммасига олганини маълум қилди. Аммо босқинчилар банкдан пул олиб кетган ё кетмагани ҳақида бирор гап йўқ.

***Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.***

# «FELLOWES» САЛОҲИЯТИ

***«Fellowes» компанияси шредерлар, ламинаторлар, муқовалаш машиналари каби офис техникасини ишлаб чиқаришда ном қозонган карвонбошилардан ҳисобланади. «Fellowes» маҳсулотларида амалга оширилган кўплаб инновацион лойиҳалар эса дунёдаги энг илғор технологияларнинг яратилишига туртки берган.***

***Компания бизнес бўйича ўз шериклари билан ҳалол ва ўзаро манфаатли ҳамкорликка асосланган мустаҳкам ҳамда давомли муносабатларни ривожлантиришга алоҳида диққат-эътибор қаратади.***

«Fellowes» компанияси шахсий, уй офиси учун мўлжалланган дастгоҳлардан тортиб, катта компаниялар офисларида ишлатиладиган ҳужжатларни йўқ қилиш дастгоҳларининг кенг ассортиментини ишлаб чиқаради. Ёруғлик индикаторларининг мавжудлиги ва амалларни бажаришининг тушунарлилигию соддалиги, ҳатто, ўрганмаган одамга ҳам дастгоҳни осонлик билан бошқариш имконини беради. «Fellowes» дастгоҳлари дизайнини ҳам алоҳида кўрсатиш лозим: хай-тек услубида, кулранг-қора рангда бажарилган барча моделлар ҳар қандай офис интерьерига жуда-жуда мос келади.

Статистиканинг кўрсатишича, иш учун шредерни танлашда уни ишлатиш хавфсизлиги ҳал қилувчи омил бўлиб ҳисобланади. Шу боис 2007 йилда «Fellowes» қоғозларни йўқ қилиш дастгоҳларини ишлаб чиқарувчилар томонидан шахсий шредерларни янги ҳимоя тизими — «SafeSense» технологияси билан жиҳозлашга қарор қилинди. Бу технология дастгоҳ ишини қўл қоғоз бериладиган зонага текканда бир лаҳзада тўхтатадиган электрон сенсордан иборат. Мазкур технологиянинг қўлланилиши ҳужжатни йўқ қилувчи дастгоҳлар иши хавфсизлигини оширишга қаратилган. Бу янгилик фойдаланувчилар томонидан ижобий баҳоланди.

«Fellowes» қоғозларни йўқ қилиш дастгоҳлари билан ишлаш чоғида қулайлик ва хавфсизликни янада таъминлаш мақсадида, компания 2008 йил бошларидан 100 фоиз «JamProof» — янги инновацион технологияни жорий эта бошлади. Бу қоғоз тиқилиб қолиши эҳтимолини тўла истисно қиладиган ва дастгоҳнинг оптимал тўлдирилишини кафолатлайдиган тизимдир. Янги тизимнинг афзалликлари, биринчидан, дастгоҳ фойдали ҳаракат коэффициентидан тўла фойдаланиш ва самарадорликни хавфсиз максимал даражагача ошириш имконини берувчи индикаторли шкаланинг борлигида, иккинчидан, йўқотилиши мўлжалланган қоғоз тўплами қалинлигини баҳолайдиган ва дастгоҳнинг ҳаддан зиёд юкланишини олдини оладиган электрон тизимнинг мавжудлигида кўринади. Тизим қоғоз қалинлигини баҳолаш чоғида варақларнинг жойлашишига қараб олинган ўлчамларни тўғрилайди ва хавфсизлик чегараларида ўз ишини давом эттиради. У қоғознинг доимий берилиши режимини ишни тўхтатмасдан ва тиқилиб қолиш хавфисиз аниқлашга қодир.

«SB-89Ci», »SB-99Ci» шахсий шредерлари «Fellowes»нинг тиқилишлардан ҳимоя қилувчи янги тизимга эга бўлган биринчи шахсий шредерлари бўлди. 2008 йилда ҳужжатни йўқ қилувчи офис дастгоҳлари сафида ҳам ўзгаришлар юз берди. Шредерларнинг аввал тақдим қилинган ассортиментидан ташқари (уларнинг орасида корзина ҳажмлари 50 литрдан 144 литргача бўлган, бетўхтов тарзда ишловчи ва бир вақтнинг ўзида 17 тадан 29 тагача варақни йўқ қиладиган дастгоҳларни топиш мумкин эди), 2008 йилда «Fellowes» компанияси томонидан 2 та янги — «С-420Сх» ва «С-480Сх» моделлар тақдим этилди. Улар олдин фақат шахсий йўқ қилувчи дастгоҳларда қўлланилган «SafeSense» технологияси, янги 100 фоиз «JamProof» ҳимоя тизимига, шунингдек, пичоқлар ўзи мойланадиган «AutoOil» технологияси билан жиҳозланган. Шредер ҳар 20 циклдан сўнг автоматик тарзда пичоқларни мойлайди. Бунда фойдаланувчи махсус воронкани мой билан тўлдириб туришни эсдан чиқармаслиги кифоя. Мазкур тизим дастгоҳ ишини яхшилайди ва ундан фойдаланиш муддатини узайтиради.




«Fellowes» қоғозларни йўқ қилиш дастгоҳларининг фаолият кўрсатиш сифати уларнинг фойдаланилиш муддати давомида ишончли ишлашини кафолатлайди. Айнан шунинг учун ҳам «Fellowes» компанияси «Дунёнинг энг ишончли шредерлари» савдо белгисига муносиб кўрилди.

**Н. ФЁДОРОВА.** t

## ДАВЛАТ-ТИЖОРАТ ХАЛҚ БАНКИНИНГ

**«Саёҳат-2» ютуқли омонати бўйича 2010 йил 12 июнда Паркент шаҳрида ўтказилган ютуқлар тиражининг**

**РАСМИЙ ЖАДВАЛИ**

| Т/р | Ютуқ миқдори | Ҳудудий филиал | Туман (шаҳар) филиали | Банк муассасаси | Ҳисоб-варақ рақами |
|---|---|---|---|---|---|
| 1. | Францияга 1 кишилик сайёҳлик йўлланмаси | Навоий вилояти | Қизилтепа филиали | Амалиёт бўлими | С2-186 |
| 2. | Чехияга 1 кишилик сайёҳлик йўлланмаси | Қорақалпоғистон Республикаси | Тўрткўл филиали | Амалиёт бўлими | С2-8 |
| 3. | Самарқандга 2 кишилик сайёҳлик йўлланмаси | Тошкент вилояти | Бўстонлиқ филиали | Амалиёт бўлими | С2-1 |
| 4. | Самарқандга 2 кишилик сайёҳлик йўлланмаси | Наманган вилояти | Поп филиали | «Санг» минибанки | С2-37 |
| 5. | Хивага 2 кишилик сайёҳлик йўлланмаси | Тошкент шаҳри | Яккасарой филиали | Амалиёт бўлими | С21-33 |
| 6. | Хивага 2 кишилик сайёҳлик йўлланмаси | Наманган вилояти | Поп филиали | «Санг» минибанки | С2-43 |
| 7. | Бухорога 2 кишилик сайёҳлик йўлланмаси | Қашқадарё вилояти | Бешкент филиали | 042-шохобча | С2-6 |
| 8. | Бухорога 2 кишилик сайёҳлик йўлланмаси | Қорақалпоғистон Республикаси | Қанликўл филиали | 02-шохобча | С2-5 |
| 9. | 50000 сўм | Қорақалпоғистон Республикаси | Қанликўл филиали | Амалиёт бўлими | С2-7 |
| 10. | 50000 сўм | Навоий вилояти | Вилоят амалиёт бўлими | Амалиёт бўлими | С2-26 |
| 11. | 50000 сўм | Қорақалпоғистон Республикаси | Шуманай филиали | 04-шохобча | С2-1 |
| 12. | 50000 сўм | Қорақалпоғистон Республикаси | Тўрткўл филиали | Амалиёт бўлими | С2-7 |
| 13. | 50000 сўм | Навоий вилояти | Хатирчи филиали | Амалиёт бўлими | С2-2 |
| 14. | 50000 сўм | Тошкент вилояти | Бўстонлиқ филиали | Амалиёт бўлими | С2-61 |
| 15. | 50000 сўм | Қорақалпоғистон Республикаси | Беруний филиали | 013-шохобча | С2-5 |
| 16. | 50000 сўм | Наманган вилояти | Поп филиали | Амалиёт бўлими | С2-45 |
| 17. | 50000 сўм | Навоий вилояти | Хатирчи филиали | Амалиёт бўлими | С2-1 |
| 18. | 50000 сўм | Навоий вилояти | Вилоят амалиёт бўлими | Амалиёт бўлими | С2-13 |
| 19. | 50000 сўм | Навоий вилояти | Хатирчи филиали | Амалиёт бўлими | С2-7 |
| 20. | 50000 сўм | Тошкент вилояти | Бўстонлиқ филиали | Амалиёт бўлими | С2-207 |
| 21. | 50000 сўм | Тошкент вилояти | Келес филиали | 011-шохобча | С2-4 |
| 22. | 50000 сўм | Наманган вилояти | Поп филиали | «Санг» минибанки | С2-44 |
| 23. | 50000 сўм | Тошкент вилояти | Бўстонлиқ филиали | 024-шохобча | С2-14 |
| 24. | 50000 сўм | Навоий вилояти | Қизилтепа филиали | Амалиёт бўлими | С2-183 |
| 25. | 50000 сўм | Наманган вилояти | Поп филиали | «Санг» минибанки | С2-73 |
| 26. | 50000 сўм | Тошкент вилояти | Бўстонлиқ филиали | Амалиёт бўлими | С2-63 |
| 27. | 50000 сўм | Қорақалпоғистон Республикаси | Тахтакўпир филиали | «Ўзбекистон» минибанки | С2-10 |
| 28. | 50000 сўм | Қорақалпоғистон Республикаси | Тахтакўпир филиали | Амалиёт бўлими | С2-32 |

*Ҳайъат раиси — Паркент тумани ҳокимининг биринчи ўринбосари* **И. МИРСАИДОВ**
*Масъул котиб — Халқ банки бошқарувининг Пул муомаласи департаменти директори ўринбосари* **М. САИДОВ**

576R/261

**ОИВ, СИЛ ВА БЕЗГАК ИНФЕКЦИЯЛАРИНИНГ ТАРҚАЛИШИГА ҚАРШИ КУРАШ СОҲАСИДА ХАЛҚАРО ВА ХОРИЖИЙ ТАШКИЛОТЛАР БИЛАН ЎЗАРО МУСТАҲКАМ ҲАМКОРЛИК ҚИЛИШ, ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН ИШЛАРНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШ ҲАМДА ЧОРА-ТАДБИРЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ УЧУН ДОНОРЛИК МАБЛАҒЛАРИНИНГ ЖАЛБ ЭТИЛИШИНИ ТАЪМИНЛАШ БЎЙИЧА ТАШКИЛОТЛАРАРО ЭКСПЕРТ КЕНГАШ КОТИБИЯТИ**

**Ўзбекистон Республикаси ОИТС, сил ва безгакка қарши кураш глобал жамғармаси 10-раунд доирасида грант олиш мақсадида ОИВ/ОИТС компоненти бўйича талабнома тақдим этиш жараёнини бошлаб юборганлигини маълум қилади.**

***Ташкилотлараро эксперт кенгашининг котибияти қошида ташкилотлараро ишчи гуруҳ ташкил этилган.***

**Котибият талабнома ишлаб чиқишда қатнашиш таклифи ҳақидаги фикр-мулоҳазаларингизни қабул қилади. Талабнома шартларини глобал жамғарманинг http://theglobalfund.org интернет сайтидан олиш мумкин.**

**Талабнома таклифларини ташкилотлараро эксперт кенгаши котибиятининг қуйидаги манзилига: Тошкент шаҳри, Бунёдкор шоҳкўчаси, 46-уй, 7-қават ёки Котибиятнинг электрон почтаси — ccm@gfaids.uzга юборишингиз мумкин.**

***Талабнома таклифларини қабул қилиш 2010 йил 25 июнгача давом этади.***

494R/593

**НИЗОМИЙ НОМИДАГИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**2010 — 2011 ўқув йили абитуриентларини 17-18-19-20 июнь кунлари**

**«ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНИ»ГА**

**таклиф этади.**



***Соат 10.00 дан 16.00 гача давом этадиган мазкур тадбирда университетда мавжуд бўлган барча йўналишлар ҳақида батафсил маълумот олишингиз мумкин.***

**Бизнинг манзил: Тошкент шаҳри, Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 103-уй.**

**Телефонлар: (8-371) 256-75-00, 254-92-17.**

**www.tdpu.uz**
**E-mail: tdpu_info@edu.uz**

TDPU
TOSHKENT DAVLAT PEDAGOGIKA UNIVERSITETI

577R/708

## Сара уруғ — юқори ҳосил гарови!

**«Semillas Fito» (Испания) уруғчилик компаниясининг Ўзбекистондаги вакили иккиламчи экин учун юқори ҳосилдор маккажўхори уруғларини таклиф этади.**

***Уруғлар сертификатланган ва давлат реестрига киритилган.***



527R/657

Маълумот учун телефонлар: (+99897) 100-83-13, (+99893) 382-56-57, (+99871) 257-44-01, 257-44-03.

NBU

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ

**ҳисоблаш техникаси воситаларини етказиб бериш бўйича тендер эълон қилади.**

Тендерда иштирок этиш тўғрисидаги аризаларни (белгиланган шакл бўйича) йўллаган юридик шахсларга тендер ҳужжатлари мазкур эълон чоп этилган сананинг эртасидан бошлаб 7 тақвим куни мобайнида компания (фирма)нинг улгуржи маҳсулот етказиб бериш ваколатини тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим этиш шарти билан берилади.

Тендер ҳужжатлари асосида тайёрланган тижорат таклифлари (оферта) қандай тарзда (почта ёки чопар орқали) жўнатилишидан қатъи назар, мазкур эълон чоп этилган сананинг эртасидан бошлаб 30 тақвим куни ўтганидан сўнг соат 17.00 да тўхтатилади.

**Қуйидаги манзил бўйича ариза шакли ва тендер ҳужжатлари олинади, шунингдек, тижорат таклифлари (оферта) жўнатилади:**

**Ўзбекистон Республикаси, 100084, Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳкўчаси, 101-уй, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг бош маъмурий биноси.**

**Телефон: (8-371) 234-42-93. Интернет-сайт: www.nbu.com**

***Мулоқот қилувчи шахслар — Митрошин Олег Александрович, Раҳимов Равшан Ҳамидович.***

572R/70

## Tucson

***Ўз йўлингни танла!***



Drive your way

МАҲСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

**Кафолат — 2 йил ёки 50 000 км.**

HYUNDAI Official Partner

www.hyundai.com.uz
Tel. (8-371) 250-11-11

***Мусиқани инсон руҳиятининг қаноти, қалбнинг туганмас куйи, умуман, башарият орзу-умидларининг овози, десак, асло муболаға бўлмайди. У дилларни дилларга, элларни элларга боғловчи мўъжизакор восита, маънавиятнинг олий ҳиссиёти, маданиятнинг ноёб, бебаҳо таркибий қисмидир. Агар сўз мумтоз мусиқамизга бориб тақалса, айтиш мумкинки, у жаҳон тамаддунида ўзига хос мақомга эга. Хусусан, халқаро ЮНЕСКО ташкилоти томонидан "Шашмақом" анъаналари ва "Катта ашула" туркуми башариятнинг оғзаки ва номоддий мероси дурдоналари сифатида қайд этилгани унинг беқиёс қудратига, умрбоқийлигига берилган юксак баҳодир.***

# МУСИҚАНИНГ БОҚИЙ ҚУДРАТИ

Чунончи, ўзбек мусиқа санъати истиқлол йилларида гуркураб яшнади, ер юзига довруқ солди, чинакамига ривожланди, десак, айни ҳақиқат. Авваламбор, мусиқа санъатини юксалтириш, ҳуқуқий-моддий ҳимоясини мустаҳкамлаш, таъбир жоиз бўлса, унинг жўшқин истиқболи Президентимизнинг бундан қарийб ўн беш йил муқаддам, яъни 1995 йил 20 октябрда имзоланган "Ўзбекистонда театр ва мусиқа санъатини янада ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонида белгилаб берилган эди. Ушбу тарихий Фармон асосида нафақат Марказий Осиё, балки жаҳондаги муҳташам ва маҳобатли, салоҳиятли консерваториялар билан кўриниши ҳамда мазмун-моҳияти жиҳатидан рақобатлаша оладиган Ўзбекистон давлат консерваториясининг янги биносини бунёд этишга киришилди. Бугунги кунда Президентимиз ғояси ва ташаббуси билан қад ростлаган мазкур мусиқий илм ҳамда санъат кошонасида яратилган беқиёс шарт-шароитлар устозларнинг юксак малакаси билан уйғунлашиб, истеъдодлар камол топадиган табаррук даргоҳга айланди.

Умуман, кейинги йилларда мусиқа санъатини ривожлантириш, айниқса, баркамол авлод тарбиясида унинг аҳамиятини, таъсирини кучайтиришга қаратилган кенг кўламли чора-тадбирларнинг амалга оширилгани, шунингдек, "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивалига кўплаб давлатлардан таниқли ижрочилар ва созандалар орзиқиб ташриф буюраётгани, унинг нуфузи йилдан-йилга юксалиб бораётгани барчамизга, шубҳасиз, чексиз фахру ифтихор бахш этади. Бинобарин, уюшмамизнинг бевосита иштирокида мунтазам ўтказилаётган Халқаро симфоник мусиқа фестивали, "Куз наволари", "Давр садолари", "Янги номлар", Назира Аҳмедова номидаги республика хонандалар конкурси, "Ёш бастакорлар", "Ёш мусиқашунослар", "Санъат ғунчалари" каби танловлар навқирон мусиқачиларнинг билими, дунёқараши, иқтидори, имкониятларини баҳолашда, қўллаб-қувватлашда муҳим омил бўлаётгани ҳам қувончлидир.

Айтиш жоизки, шу кунларда навбатдаги "Санъат ғунчалари" Республика ёш иқтидорлар кўрик-танлови қизғин паллага кирди. Жумладан, "Дамли чолғулар" йўналиши бўйича саралаш босқичлари якунига етиб, ғолиблар аниқланди. Катта гуруҳда Меҳрибон Рамазонова, Азимбек Бегматов, Азизбек Нуримбетов, Элёр Ғафуров, Элёр Аҳадов, кичик гуруҳдан Санъат Аҳадов, Беҳрўз Шихназаров, Шаҳзод Жонбоев, Темур Ғафуров каби ижрочиларнинг маҳорати томошабинларни ҳам, ҳайъат аъзоларини ҳам бирдек ҳаяжонга солди.

**Санъат**

Бундан ташқари, уюшмамиз аъзолари "Ниҳол", Зулфия номидаги Давлат мукофотига номзодларни саралашда, "Келажак овози", "Ягонасан, муқаддас Ватан!" республика танловларининг маслаҳат кенгашида, ҳайъатида ҳам фаол қатнашиб келмоқда. Қолаверса, ушбу тадбирларда бастакорларимиз томонидан басталанган куй-қўшиқлар янграйди, бастакор-шоир-хонанда тарзидаги ҳамкорликда яратилган асарлар тақдим этилади.

Кўриниб турибдики, уюшмамиз мусиқа санъатини ёшлар орасида оммалаштиришга, ушбу нафосат оламига кўнгил қўйган иқтидор соҳибларига ҳар томонлама йўл-йўриқ кўрсатиш, уларнинг ижодий камолот касб этишларида амалий кўмак беришга катта эътибор қаратаётир. Зеро, интеллектуал жиҳатдан етук, маънан ҳамда жисмонан соғлом авлодни вояга етказишда мусиқанинг ўрни беқиёс. Шу билан бирга, Ўзбек бастакорлик мактаби анъаналарига содиқ қолиш, уни жаҳон мусиқа санъатидаги янгиланишлар билан бойитиш, озод ва обод юртимизнинг гўзал ҳамда бетакрор тараннумларини яратиш бизнинг асосий вазифаларимиздандир. Айни пайтда жаҳон саҳналарида бастакорлик қобилиятимизни ёркин ифода этиш йўлида ҳам астойдил ҳаракат қилмоқдамиз. Уюшмамиз аъзолари томонидан яратилган юзлаб саҳна асарлари, опера, балет, мусиқали драмалар, спектакль ва телефильмлар учун битилган мусиқалар, йирик жанрлардаги чолғу асарлари ана шу интилиш, қизғин ижодий фаолият маҳсулидир.

Шу ўринда мусиқа санъати ихлосмандлари олқишларига сазовор бўлган Икром Акбаровнинг "Жалолиддин Мангуберди" операси, "Амир Темур симфонияси", Ҳабибулла Раҳимовнинг "Алпомиш ва Ойбарчин" балети, Тўлқин Қурбоновнинг "Широқ", "Шерзод ва Паризод" балетлари, Мустафо Бафоевнинг "Севгим самоси", "Улуғбек буржи", "Мозийдан нур" телебалетлари, А. Эргашевнинг "Ҳумо" балети, Баҳрулла Лутфуллаев, Дилором Омонуллаева, Фарҳод Алимовнинг ўзига хос, бетакрор симфониялари ва яна ўнлаб санъаткорларимизнинг гўзал асарлари ҳақида кўп ва хўп гапириш мумкин.

Истиқлол шарофати, давлатимиз раҳбарининг доимий эътиборидан баҳраманд бўлаётган бастакорларимиз ўз салоҳиятларини, беназир ижод намуналарини жаҳон саҳналарида намойиш этиб, минглаб хорижлик нозиктаъб мухлисларнинг эътиборини қозонишаётгани ҳам таҳсинга сазовор. Хусусан, М. Бафоевнинг Туркия, АҚШ, Япония, Ҳиндистонда, Д. Сайдаминованинг Германия, Нидерландия, Россия, Миср, Испанияда, П. Медюлpraвнинг Швейцария, Франция, Нидерландия, Германияда, Ҳ. Раҳимовнинг Ҳиндистон, Корея, Францияда, Ф. Алимовнинг Хитой, Миср, Испанияда, Д.Янов-Яновскийнинг Буюк Британия, Франция, АҚШ, Германиядаги мусиқа саройларида ижро этилган асарлари таниқли санъатшуносларда, машҳур ижрочиларда илиқ таассуротлар қолдирди.

Мухтасар айтганда, Ўзбекистон бастакорлар уюшмаси замон билан ҳамнафас қадам ташлашга интилиб келаяпти. Лекин очиғини айтиш лозим, ҳали жуда кўп эзгу ва хайрли ишлар бизни кутиб турибди. Озод ва обод юртимизнинг мусиқий тасвирларини, Истиқлол оҳанглари билан жилоланган куй ва қўшиқларни, муаззам Ватанимизни мадҳ ва таъриф этадиган, унинг қаҳрамон фарзандлари ички дунёси, ўй-кечинмалари талқинларини яратишимиз зарурлигини теран англаймиз. Зеро, ҳаётимизга, фарзандларимиз шуурига нафис мусиқа садолари, ажиб куй-қўшиқлар кириб борса, меҳр-муҳаббат, садоқат ва комиллик шу қадар устувор бўлаверади. Яхшиликка, мурувватга, оқибатга қалб эшиклари очилаверади.

**Рустам АБДУЛЛАЕВ,**
**Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси раиси.**

# ИМКОНИЯТ ВА МАСЪУЛИЯТ

***Бугун юртимизнинг барча гўшалари кўркига кўрк қўшаётган замонавий таълим муассасалари, спорт мажмуаларини кўриб, кўз қувнайди, кўнгиллар фахру ифтихорга тўлади. Улар ёш авлоднинг ҳар томонлама комил инсон бўлиб вояга етишига хизмат қилаётир, албатта. Таъбир жоиз бўлса, бу илму зиё ва жисмоний камолотга етакловчи масканлар қишлоғу шаҳарларимизнинг марваридларига айланиб улгурган. Таълим-тарбия тизимидаги мана шундай улкан янгиланишлар тараққиёт довонларини бирин-кетин забт этиш имконини бермоқда.***



Ёш авлод орасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш устувор масалалардан бири сифатида белгилаб қўйилганида ҳам катта маъно-мазмун мужассам. Чунки фарзанд тарбиясида спортнинг ўрни беқиёсдир. Ана шу жиҳатлар эътиборга олиниб, Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ташкил этилди. Ушбу жамғарма томонидан қисқа вақт ичида, аниқроғи, 2003 — 2009 йиллар мобайнида мамлакатимизнинг турли гўшаларида 1117 та спорт мажмуаси барпо этилган бўлиб, шунинг 82 фоизи қишлоқ жойларидадир. Қолаверса, зарур бўлган 120 турдаги спорт жиҳозлари ва инвентарларининг 113 турини ўзимизда ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

**Болалар спорти**

Давлатимиз раҳбарининг шу йил 5 майдаги "Болалар спорти объектларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ҳам соҳага доир бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар каби ёшларни баркамол вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва фаоллаштириш учун йўналтирилган муҳим дастуриламал бўлди.

Хўш, мана шундай юксак эътибор ва унинг асосида яратиб берилаётган имкониятлардан қай даражада фойдаланилмоқда? Самарадорлик ва кўрсаткичлар нималарда ўз аксини топаяпти? Бу йўлда қандай камчилик ва муаммоларга дуч келинаяпти?

Маълумки, бугунги кунда мамлакатимиздаги жами спорт мажмуаларида 6249 та спорт секцияси фаолият юритмоқда. Бундай масканларга яқин жойлашган 1758 та таълим муассасасида 1080535 нафар ўқувчи таълим олади. Уларнинг 216664 нафари, яъни 20 фоизи спорт билан мунтазам шуғулланаяпти. Спортсевар қизлар сони 73192 нафар (6,7 фоиз). Мазкур натижалар янада юқори бўлиши мумкин эди. Аммо айрим жойлардаги мутасаддилар болалар орасида спортни оммавийлаштириш, спорт мажмуалари қувватидан тўлақонли фойдаланиш, малакали мураббийларни жалб этиш, уларни моддий рағбатлантириш масалаларига жиддий эътибор бермаётгани ҳам айни ҳақиқат. Масалан, Андижон (4 фоиз), Навоий (4 фоиз), Қашқадарё (5 фоиз), Сурхондарё (6 фоиз) вилоятларида қизларни спортга жалб этиш кўрсаткичи қониқарли даражада эмас.

Масаланинг яна бир томонига тўхталиб ўтишдан олдин, қуйидаги маълумотга эътиборни қаратсак. Мамлакатимиз бўйича битта спорт мажмуасида болалар ўртача 6 соат спорт билан банд бўлар экан. Бироқ Жиззах, Сурхондарё, Қашқадарё, Фарғона ва Қорақалпоғистон Республикасида мазкур кўрсаткич 2 — 5 соатдан ошмаяпти. Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан ўтказилган мониторингга қараганда, бир қатор умумтаълим мактабларида ҳам ўқувчиларни спорт оламига олиб киришга етарлича эътибор қаратилмаяпти. Хусусан, бу борада Навоий вилоятининг биргина Кармана туманида ўтган йил якунларига кўра, 6-7 фоиз мактаб ўқувчиси спортга жалб қилинган, холос. Бундай ҳолат Бухоро вилоятининг Қоракўл, Наманган вилоятининг Учқўрғон, Қашқадарё вилоятининг Чироқчи туманларида ҳам мавжуд.

Юқоридаги қарорда спорт объектларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, болаларни спортга янада кенгроқ жалб этиш бўйича аниқ ва комплекс чора-тадбирлар белгилаб берилганидан хабарингиз бор. Бу аҳоли, хусусан, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш йўлида учраётган айрим камчилик ҳамда муаммоларни ўз вақтида бартараф этиш имконини беради.

Қувонарли томони, бугун республикамизда яратилаётган ажойиб шароитлардан унумли фойдаланаётган ёшлар етарлича топилади. Мамлакатимиздаги мавжуд спорт мажмуаларида 2,1 млн. нафар мактаб, академик лицей ва касб-ҳунар коллежи ўқувчилари спорт билан ошно тутинаётгани, уларнинг 35 фоизи қизлар эканлиги фикримиз далилидир. Жисмоний фаоллик эса мактаб ёшидаги болалар ўртасида касалликка чалинишни камайтириб, организмнинг тўғри ва мукаммал ривожланишига хизмат қилмоқда.

**Саиджон МАХСУМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**Хушхабар**

***Ўтган ҳафта мобайнида ўтказилган бир неча йирик халқаро турнирда ўзбекистонлик спортчилар муваффақиятли иштирок этди.***

## Ҳамюртларимиз совриндорлар сафида

Жумладан, Швейцариянинг Давос шаҳрида батутда сакраш бўйича ташкиллаштирилган жаҳон кубогининг иккинчи босқичида ҳамюртларимиз Екатерина Хилько ва Анна Савкина жуфтлиги дастурдаги синхрон сакраш баҳсларида 45, 10 балл жамғариб, бронза медаллари билан тақдирланишди.

Испания пойтахти Мадрид шаҳрида дзюдо бўйича ўтказилган жаҳон кубогида вакилимиз Ўткир Қурбонов 100 килограммгача вазнли полвонлар орасида учинчи ўринни эгаллади. Ушбу вазнда ўттиздан ортиқ курашчи қатнашганлигини ҳисобга олсак, медаллар учун кураш нақадар қийин кечганлиги ўз-ўзидан ойдинлашади.

Айниқса, Тбилиси (Грузия) шаҳрида ўтказилган юнон-рум кураши бўйича олтин Гран-при турнири юртдошларимиз учун омадли келди. Унда полвонимиз Давид Солдадзе (96 кг.) финалда грузиялик номдор курашчи Васили Имерлишвилини мағлуб этиб, олтин медални қўлга киритди. Акбар Қўзиев (55 кг.) ва Санжарбек Жумашев (60 кг.) эса юртимизга бронза медаллари билан қайтишди.

**З. ЖОНИБЕКОВ**
*тайёрлади.*


*Ҳурматли юртдошлар!*

**«АСАКА» банки (ОАЖ)**

**сизларга қуйидаги янги, муддатли омонат турларини таклиф этади.**

**МИЛЛИЙ ВАЛЮТАДАГИ ОМОНАТЛАР:**

**«РЕЖАЛИ»**

**Сақланиш муддати — 1 йил, омонат бўйича йиллик 25% ҳисобланади.**
Ҳисобланган фоизлар коммунал ва бошқа тўловлар учун йўналтирилади (электр энергияси, газ, иссиқ ҳамда совуқ сув, телефон, ўқиш ва ҳоказолар).

**«ИМТИЁЗ — 2010»**

**Сақланиш муддати — 4 йил, омонат бўйича йиллик 30% ҳисобланади.**
Ҳисобланган фоизлар ўқиш тўловлари учун йўналтирилади (институт, университет).

**Ушбу омонат турларини банкнинг барча филиалларида очиш мумкин.**

**Мурожаат учун телефонлар: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.**

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1. | Тошкент шаҳри филиали | (371) | 120-83-13 |
| 2. | «Автотранспорт» филиали | (371) | 120-39-95 |
| 3. | Шайхонтоҳур филиали | (371) | 140-39-36 |
| 4. | Юнусобод филиали | (371) | 225-16-46 |
| 5. | Сергели филиали | (371) | 258-67-49 |
| 6. | Тошкент вилояти филиали | (371) | 120-84-13 |
| 7. | Андижон вилояти филиали | (374) | 224-40-96 |
| 8. | Асака филиали | (374) | 233-13-69 |
| 9. | «Фарҳод» филиали | (374) | 229-97-53 |
| 10. | Фарғона вилояти филиали | (373) | 224-70-83 |
| 11. | Марғилон филиали | (373) | 237-12-37 |
| 12. | Олтиариқ филиали | (373) | 432-10-11 |
| 13. | Қўқон филиали | (373) | 552-61-04 |
| 14. | Наманган вилояти филиали | (369) | 226-94-75 |
| 15. | Навоий вилояти филиали | (436) | 223-54-32 |
| 16. | Зарафшон филиали | (436) | 573-18-78 |
| 17. | Бухоро вилояти филиали | (365) | 223-71-94 |
| 18. | Бухоро шаҳри филиали | (365) | 770-11-27 |
| 19. | Самарқанд вилояти филиали | (366) | 231-08-86 |
| 20. | «Афросиёб» филиали | (366) | 234-17-96 |
| 21. | Қашқадарё вилояти филиали | (375) | 221-12-93 |
| 22. | Сурхондарё вилояти филиали | (376) | 770-82-12 |
| 23. | Қорақалпоғистон филиали | (361) | 223-72-47 |
| 24. | Хоразм вилояти филиали | (362) | 226-97-78 |
| 25. | Сирдарё вилояти филиали | (367) | 225-44-03 |
| 26. | Жиззах вилояти филиали | (372) | 226-43-11 |

«АСАКА» БАНКИ (ОАЖ) САРМОЯНГИЗНИНГ САҚЛАНИШИ ВА КЎПАЙИШИНИ КАФОЛАТЛАЙДИ.

*Хизматлар лицензияланган.*

**БАРЧА ОМОНАТЛАР ФУҚАРОЛАРНИНГ БАНКЛАРДАГИ ОМОНАТЛАРИНИ КАФОЛАТЛАШ ФОНДИ ТОМОНИДАН КАФОЛАТЛАНАДИ.**

**Сизнинг омонатларингиз:**

- *солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод;*
- *маълумотларнинг сир сақланиши тўлиқ кафолатланади;*
- *эгалик қилиш ва тасарруф этиш ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда;*
- *миқдори чекланмаган.*

5718/7


## ОБ-ҲАВО
**(15 июнь)**

**Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти.** Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Тунда ҳарорат 15-20, кундузи 31-36 даража иссиқ бўлади.

**Бухоро, Навоий ва Қашқадарё вилоятлари.** Ёғингарчилик кутилмайди. Ҳарорат кечаси 18-23, кундузи 34-39 даража иссиқ бўлади.

**Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари.** Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кузатилмайди. Тунда 15-20, кундузи 31-36 даража иссиқ бўлади.

**Тошкент вилояти.** Ёғингарчилик бўлмайди. Ҳарорат кечаси 15-20, кундузи 31-36 даража иссиқ бўлади.

**Сурхондарё вилояти.** Ҳаво ўзгариб туради, айрим жойларда қисқа муддатли ёмғир ёғиши мумкин. Тунда 20-25, кундузи 34-39 даража иссиқ бўлади.

**Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари.** Қисқа муддатли ёмғир ёғиши кутилмоқда. Тунда 15-20, кундузи 31-36 даража иссиқ бўлади.

**Тошкент шаҳри.** Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Ҳарорат тунда 18-20, кундузи 34-36 даража иссиқ бўлади.

**«Ўзгидромет» маълумотлари асосида тайёрланди.**


«ХАЛҚ СЎЗИ»га
ЭЪЛОНЛАР
КАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
236-09-25


Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси Кимё факультети Табиий бирикмалар кимёси кафедраси доценти, кимё фанлари номзоди Солих Мавляновга волидаи муҳтарамаси **ЗАЙНАББИБИ аянинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

"Ўзбектеатр" ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси Театр ижодкорлари уюшмаси аъзоси, Республика қўғирчоқ театрининг етакчи актёри ва режиссёри Фатхулла Хўжаевга волидаи муҳтарамаси **ЛАТОФАТ аянинг** вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.


Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 503. 52482 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

[t]-Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — М. Жонихонов.
Навбатчи — З. Худойшукуров.
Мусаҳҳиҳ — Ҳ. Тошхўжаев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.00 Топширилди — 21.30 1 2 3 5